



**ЁШЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ДОЛЗАРБЛИГИ, МАЗКУУР
ТУРДАГИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИДА МАҲАЛЛА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ
БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ**

Қадамбоев Мухриддин Мақсуд ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2-ўқув курси
210-гуруҳ курсанти

Ниматов Шерзод Ниматжонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15131443>

ARTICLE INFO

Received: 11th March 2025
Accepted: 18th March 2025
Published: 30th March 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг кўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда хуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жамиятимизда мавжуд ўта ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган, юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизими имкониятларини тўлиқ ишга солиш ва аҳоли фаоллигини ошириш жиноятларнинг олдини олишда, албатта, ўз самарасини беради, ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш зарур¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Асосий вазифамиз-амиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қаратишдан иборат” номли маърузасида таъкидлаганидек, “бугунги кунгача ички ишлар ва хуқуқ тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмайди. Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усуллари аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур” Мамлакатимизда хуқуқбузарликлар профилактикаси

¹ Ниматов Ш. Н. Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.

бўйича комплекс чора-тадбирлар хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-2833-сон қарорида мустақиллик йилларида республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилганлиги, шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратилмаётганлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги, ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб этаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш белгилаб берилган.

Республикамизда ёшларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва таълим-тарбия тизимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ 2016 – 2019 йилларда ёш рецидивистлар (18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган) умумий судланганларнинг 28,6 фоизини ташкил этиб, уларнинг 16,1 фоизи илгари қасддан содир этган жинояти учун судланган, 12,7 фоизи судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этган⁵лиги ёшларнинг ахлоқини тузатиш ва тарбиялаш, ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикасини такомиллаштириш, шунингдек, ёшларга оид давлат

² Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари // Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

сиёсати тўғрисидаги қонун нормалари самарадорлигини оширишнинг ҳозирда ҳам долзарб эканлигидан далолат беради.

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёти, мамлакатнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиб бериш борасида мустақкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига мос равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Ёшларни тўғри тарбиялаш устувор масала. Қонунларни кучайтириш, жазони қаттиқлаштириш ҳам керак. Лекин бу билан жамиятдаги муаммони ҳал этиб бўлмайди. Ҳаммасини болалиқдан, тарбиядан бошлаш керак. Ёшларда соғлом фикрлаш ва миллий ғоя куртакларини шакллантириш жуда муҳимдир. Ўзликни англаш ғоясини амалга ошириш лозим. Ёшларнинг ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишига эришиш керак. Шунда миллат тўқис бахтга эришиш мумкин. Ёшлар вақтларини бекор ўтказмаслиги лозим чунки, ёшлик умрнинг энг бебаҳо даври ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги (14.10.2016) қонунида ёшларга – 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслардир (3-м.),³ деб таъриф берилган. Ҳолбуки, «ёшлар» атамаси 14–30 ёшдаги шахсларни қамраб олса-да, айрим қонунлар ва юридик адабиётларда вояга етмаганлар (14-17 ёш), ёшлар (18-25 ёш), ўрта ёшдагилар (30-40 ёш) каби гуруҳларга ажратилган⁴. Зеро, Қ.Р. Абдурасулованинг фикрига кўра, ёшларни ривожланишнинг руҳий-физиологик кўрсаткичларига асосан таснифлаш одам ҳаёт цикли ўзгариш босқичларининг куйидаги занжирини ўз ичига олади: ўспиринлик (12-15 ёш); ўсмирлик (16-19 ёш); ёшлик (20-30 ёш); ўрта ёш (30-40); қарилик; мўйсафидлик⁵. «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида» «ёшлар»га «навқирон йигит- қизлар»¹⁴, деган таъриф берилган.

Шунингдек, хорижий давлатлар қонунларида «ёшлар»нинг куйидаги ёш чегаралари белгиланган: 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар (Россия Федерацияси)¹⁵, 14 ёшдан 29 ёшгача бўлган фуқаролар (Қозоғистон Республикаси)¹⁶, 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган фуқаролар (Қирғизистон Республикаси)¹⁷, 14 ёшдан 31 ёшгача бўлган фуқаролар (Беларусь Республикаси)¹⁸ ва 14 ёшдан 35 ёшгача бўлган фуқаролар (Украина)¹⁹.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, «ёшлар» деганда миллий ва хорижий қонун нормалари асосида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахсларни тушуниш мақсадга мувофиқ, чунки ёшлар масаласининг стратегик аҳамиятидан келиб чиқиб, ёшлар рецидив жиноятчилигини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишда, албатта ёш категориясининг босқичларига тўхталиш тўғри бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кунидаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371 сон қонунида Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари белгиланган. Мазкур қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлаши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали ишлаб

³ Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги 2016 йил 14 сентябрь қонуни // <http://lex.uz>.

⁴ Криминология / Профессор З.С.Зарипов таҳрири остида. – Т., 2007. – Б. 164.

⁵ Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – 305 б.

туришига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиб, қабул қилиши, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир тегишли чора-тадбирларни кўриши, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаши, қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши, мумкинлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва амалга ошириши аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлашга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўриши, тегишли ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаши, қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкинлиги ваколат сифатида белгилаб берилган. Шунингдек ички ишлар органлари, прокуратура органлари, Давлат хавфсизлик хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, адлия органлари, давлат божхона хизмати органлари, давлат солиқ хизмати органлари, меҳнат органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси органлари, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимида кирувчи субъеклар сифатида қайд этилган.

Жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига юклатилган асосий ҳамда долзарб вазифалардан биридир. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан бир қаторда ички ишлар органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга ваколатли бўлган субъектлар ўз фаолияти жараёнида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа субъектлари билан бевосита ҳамкорлик қилади. Ҳамкорлик– иш фаолиятда бирга, ҳамкор бўлиш, айти бир мақсадни кўзлаб белигиланган ишда биргалашиш, уни тенг бажариш тушунилади. *Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорлик* – ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларга асосланиб, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини ўзаро келишиб бажаришади. Яъни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорлигини шартли равишда *ички идоравий ҳамкорлик* ва *ташқи ҳамкорлик* турларига ажратишимиз мумкин. *Ички идоравий ҳамкорлик* – яъни, ички ишлар органлари соҳавий

хизматларининг ўзаро ҳамкорлигидир. *Ташқи ҳамкорлик*–ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа субъектлари билан ҳамкорлиги. Бунга, ички ишлар органларидан ташқари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, муассаса ва ташкилотлар ҳамда аҳоли билан ҳамкорлиги тушунилади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги *биринчидан*, ушбу соҳадаги қонунчиликнинг ижросини таъминлашда, *иккинчидан* ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини янада самарали ташкил этишда, *учинчидан*, аҳолининг барча қатламларига нисбатан бирдай профилактик чора-тадбирларни қўллашда тезкорлик ва тежамкорликка эришиш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролинитубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашнинг таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сонли Фармонида Ёшлар етакчисининг асосий вазифалари сифатида маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, жумладан, уларни “Беш ташаббус олимпиадаси”да иштирок этишга жалб этиш. (Ҳар ойда камида 20 нафар ёшларни спорт, мусиқа ва фан тўғаракларига жалб этади, ҳафтада бирмаротаба спорт мусобақалари, мусиқа ва рақс танловларини ташкил этади), ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари бандлигига кўмаклашиш, жумладан, “Ёшлар бандлиги дастури”ни маҳаллада амалга ошириш. (маҳаллада ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчиларининг рўйхатини шакллантиради ва ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда уларнинг бандлигини таъминлайди, ҳар ойда бир маротаба мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари билан учрашиб, олий таълим муассасаси ва мутахассислик йўналишини танлаш ҳамда кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришга ёрдам беради),.. давлат кўмагига муҳтож “оғир” тоифадаги ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш. (маҳаллада “оғир” тоифадаги ёшларнинг яшаш манзили ва иш жойига ҳар ойда камида бир маротаба бориб, бириктирилган раҳбарлар билан биргаликда ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашади), ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан, шунингдек, профилактика инспектори билан биргаликда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган вояга етмаганлар билан тизимли ишлаш. (Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар ва вояга етмаганларни ҳар бири билан индивидуал ишлайди).

Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлар тўғрисида сўз борганда, республикамизда ушбу субъектлар доираси жуда кенг бўлиб, ўз ичига давлат органлари ва муассасалари (ички ишлар органлари, прокуратура органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш идоралари ва таълим муассасалари, адлия органлари ва бошқ.) ҳамда фуқаролик жамияти институтлари (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи бўлинмалари, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқ.)ни қамраб олади.

Ички ишлар органларининг уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи бўлинмаларини уларнинг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг хусусиятлари ва амалиёт таҳлилидан келиб чиққан ҳолда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- а) бевосита уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи бўлинмалар;
- б) уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи бўлинмалар.

Ички ишлар органларининг уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бўлинмаларига Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўйича тегишли таркибий ва ҳудудий тузилмалари, шунингдек вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари киради. Маҳаллаларда уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш таянч пунктлари профилактика инспекторлари, шунингдек Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари зиммасига юклатилган.

Ички ишлар органлари бир қатор соҳавий хизматлари, жумладан тергов аппаратлари, жиноят-қидирув хизмати, терроризм ва экстремизмга қарши кураш хизмати, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг бошқа йўналишлардаги бўлинмалари ўзларига юклатилган асосий вазифаларни амалга ошириш жараёнида уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этадилар.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ва ёшлар, хусусан уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини, бу борадаги кенг қўламли ҳамкорлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон (10.04.2017 й.) фармони билан фаолияти йўлга қўйилган туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиғи зиммасига юклатилган.

2024 йилнинг 28 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида ИИБнинг 2023 йилда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси борасида тегишли вазирлик ва идоралар билан олиб борган ҳамкорликдаги ишлари юзасидан ахбороти эшитилган. Мазкур ахборотда ИИБ маълумотида кўра, 2023 йилда содир этилган умумий жиноятларнинг 87,7 фоизи фош этилганлиги, қидирувдаги 7 563 нафар шахс ушланганлиги, Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб содир этилган 6 455 та жиноят аниқланганлиги, 2023 йил якуни бўйича мамлакатимиздаги 9 442 та маҳалладан 2 972 тасида ёки 31,5 фоизида жиноят содир этилмаган. Жиноятлар кўпайган 2 298 та ёки 24,3 фоиз маҳалла “қизил” тоифага киритилганлиги, бу борада ИИБ Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги билан яқиндан ҳамкорлик натижасида ижтимоий кўмакка муҳтож

6 634 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилган, қарийб 11 минг нафарига тиббий, моддий ва ижтимоий ёрдамлар кўрсатилганлиги, тазйиқ ва зўравонликка учраган 40 минг нафардан ортиқ хотин-қизга ҳимоя ордери берилганлиги қайд этилиб, муҳокамалар жараёнида амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси йўналишида муайян камчиликлар, ўз ечимини кутаётган масалалар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар ҳам мавжудлиги айтиб ўтилган.

Ёшлар рецидив жиноятчилигининг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳар бир жамиятда амалга ошириладиган ижтимоий профилактик чора-тадбирларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам ёшлар рецидив жиноятчилигининг барвақт олдини олишда катта аҳамиятга эга бўлган умумий, махсус, яқка тартибдаги ва

виктимологик профилактик чора-тадбирларнинг амалий жиҳатларига эътибор берилиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ёшлар рецидив жиноятчилиги ва унинг юзага келишига таъсир этувчи турли омилларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг олдини олишни ташкил этишдаги ўзига хос муаммоларнинг мавжудлиги унинг ушбу масаланинг долзарб эканлигидан далолат беради. Илгари судланган ёшларнинг қайта жиноят содир этишининг олдини олишдан кўзланган мақсад умуман жиноятчиликнинг олдини олиш билан бирга, ёшларнинг рецидив жиноятчилигининг олдини олишда давлат томонидан уларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиш, жамият ҳаётида уларнинг ўрни ва фаоллигини ошириш, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялашдан иборатдир¹³³. Чунки ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикасини ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик йўналишга ажратиш лозим, чунки ёшлар рецидив жиноятчилигининг олдини олишда масъул хизматлар кенг жамоатчилик ва бошқа хизматларнинг кўмагига суянадилар, чунки, ҳамкорликсиз самарали натижаларга эришиб бўлмайди.

Ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикаси чораларини ишлаб чиқишда давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот ва тарғибот воситаларининг ҳаракатларининг жиноятчилик аҳволига таъсир кўрсатувчи, унинг энг кўп тарқалган турларини амалда йўқ қилишга қаратиш зарурлиги ҳар доим ҳам инobatга олинмаяпти. Хулоса қилиб айтганда Ёшлар жиноятчилигининг профилактикаси самарадорлигини ошириш учун жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш; ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга ошириш ҳамда мувофиқлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг яқин ҳамкорлигида уйма-уй юришларини ташкил этиш орқали жиноят содир этган ёшларни аниқлаш, уларнинг рўйхатини шакллантириш, ишсизликнинг олдини олиш, ёшларнинг шарт-шароитларни ва муаммоларини бартараф этиш бўйича «Йўл хариталари» ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш // *siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali*. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.
2. Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари // *Академические исследования в современной науке*. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони
4. Исмоилов И., Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-

амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б. 120–121.249.

5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 22.11.2024 й., 03/24/1004/0948-сон.

6 .И.А.Хамедов, Ў.Х.Мухамедов таҳрири остида Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик.Т., 2017 йил.

7 .Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2023 й.,03/23/829/0208-сон.

8. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. – Т., 2005. – 231 б.

9. Алауханов Е., Зарипов З., Туқеев А. Преступность несовершеннолетних и её профилактика / Монография. Алматы, 2009. С. 31.

10.Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. б-ча фалсафа д-ри (PhD) дис.... автореф. – Т., 2018. – Б. 20.

